


## Фан гуруҳлари маълумотларини бошқариш

### Фан гуруҳини яратиш

Фанларни яратишдан олдин фан гуруҳларини яратиш керак. Чунки фанларни яратиш жараёнида фанни гуруҳга бириктириш талаб этилади. Бу яратилган фан гуруҳи ўқув режада фанлар кўпайиб кетганда филтрлаш амалларини бажариш имконини беради. Фан гуруҳларини яратиш тизимнинг **Fanlar bazasi / fanlar guruhlari** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




The screenshot shows the 'Fanlar guruhlari' management page. On the left is a sidebar with navigation options. The main area contains a search bar and a table with columns 'Kod', 'Nomi', and 'Faol'. The 'Faol' column has toggle switches. On the right, there is a form with input fields for 'Nomi' and 'Kod', and a 'Saqlash' button.

1-расм. Фан гуруҳини яратиш

Фан гуруҳи маълумотларини қуйидагича шакллантиринг:

- **Nomi** майдонига гуруҳ номини киритинг;
- **Kod** майдонига фан гуруҳининг кодини киритинг.

Фан гуруҳининг маълумотлари киритилгандан сўнг **Saqlash** тугмаси босилади. Натижада фан гуруҳи рўйхатида яратилган фан гуруҳи пайдо бўлади (2-расм).



The screenshot shows the 'Fanlar guruhlari' list. The table has columns 'Kod', 'Nomi', and 'Faol'. The 'Faol' column has toggle switches. On the right, there is a form with input fields for 'Nomi' and 'Kod', and buttons for 'Bekor', 'O'chirish', and 'Saqlash'.

Kod	Nomi	Faol
ATF101	Auditoriyadan tashqari fanlar	<input checked="" type="checkbox"/>
AY	Yozuv	<input checked="" type="checkbox"/>
CMP	Kompyuter texnologiyalari	<input checked="" type="checkbox"/>
HUM	Gumanitar fanlar	<input checked="" type="checkbox"/>
IPI	IPI	<input checked="" type="checkbox"/>
MTF01	Mamematik va tabiiy fanlar	<input checked="" type="checkbox"/>

2-расм. Фан гуруҳилари рўйхати

Юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида барча фан гуруҳлари яратиб чиқилади.

### Фан гуруҳини тахрирлаш

Фан гуруҳини тахрирлаш учун фан гуруҳи рўйхатидан тегишли фан гуруҳи номига сичқонча билан босилади ва натижада фан гуруҳининг маълумотлари тахрирлаш майдонларига юкланади (2-расм).

Фан гуруҳини таҳрирлаш ойнасидан бирор бир таҳрирлаш амалини бажаринг ва **Saqlash** тугмасини танлаш орқали фан гуруҳи маълумотларини сақланг.

### **Фан гуруҳини ўчириш**

Яратилган фан гуруҳи маълумотларини ўчириш учун фан гуруҳлари рўйхатидан тегишли фан гуруҳи номига сичқонча билан босилади ва таҳрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмаси босилади (2-расм).

*Эслатма.* Агар тизимда фан гуруҳига боғланган маълумотлар шаклланган бўлса у холда тизим фан гуруҳини ўчиришга рухсат бермайди. Бундай холларда фан гуруҳини ўчириш учун дастлаб унга боғланган маълумотларни ўчириш зарур.